

“ТАСДИҚЛАНДИ”



Косон тумани болалар усмирлар спорт мактаби

[Handwritten signature]

“15”

[Handwritten initials]

2022 йил

**Косон тумани болалар усмирлар спорт мактаби марказий уйингохи таъмигрлаш
ишларинин лойиха смета хужжатларинин ишлаб чикиш**

(объект номи)

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

2022 йил

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Косон тумани болалар усмирлар спорт мактаби номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект буйича танлов таклифини такдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: *Объектнинг бошлангич нархи (ҚҚС билан) – 24 000 000 сўм.*
Ишларни тугаллаш муддати – 60 кун.

Буюртмачи: **“Косон тумани болалар усмирлар спорт мактаби**

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: Республика бюджетидан.

Таклиф этилган шартлар буйича танловда мурожаат билан электрон рейтингга киритилган маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколоти;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни такдим этиш;

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат) ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Электрон рейтингга киритилмаган бўлса.

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва такдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари) ни такдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты) ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ такдим этишга мажбур.

Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш танлов эълон қилинган санадан бошлаб 10 (ўн) кундан кейин бўлиб ўтади.

Буюртмачи ташкилот раҳбари

